*• Қонун ҳамма учун муқаддас*

# ХАЛҚ НАСИБАСИГА ХИЁНАТ КЕЧИРИЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг уч йиллиги байрами яқинлашмоқда. Тарихан қисқа вақт мобайнида мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Иқтисодий ислоҳотларнинг ташаббускори — давлат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий янгиланишни изчил амалга оширмоқда. Бозор муносабатларини тартибга солиш аҳоли эхтиёжини қондириш ва пировард натижада халқ фаровонлигини юксалтиришга хизмат қиляпти. Бунда солиқ сиёсатининг қонунда белгиланган тартибда юритилиши нақадар муҳим аҳамиятга эгалиги ҳеч кимга сир эмас.

Маълумки, қудратли давлат мустаҳкам иқтисодий пойдевор устидагина барпо бўлади. Бу пойдевор эса турли манбалардан ташкил топади. Давлат бюджетига тушадиган солиқлар, йиғимлар, бож ва бошқа мажбурий тўловлар шулар жумласидандир.

Республикада ўтказилаётган иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳот натижаси ўлароқ шаклланаётган эркин бозор муносабатлари шароитида солиқ сиёсати тобора такомиллашиб, унинг мустақил давлатимиз тараққиётидаги аҳамияти ортиб бормоқда. Бу борада муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Лекин улар осон кечяпти, деб бўлмайди.

Прокуратура идоралари мамлакатимиз Президентининг “Ўзбекистон Республикаси солиқ ва бож қонунларига риоя этилишини назорат қилишни кучайтириш чоралари тўғрисида“ги Фармонини бажара бориб, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, жамоатчилик ҳамкорлигида кенг кўламли тадбирлар ўтказди. Текширув натижалари шуни кўрсатадики, айрим нопок кимсалар республикадаги вақтинчалик қийинчиликлардан фойдаланиб, ўзларининг ғаразли мақсадларини рўёбга чиқаришга уринмоқда.

Фақат ўтган ярим йилликда давлат солиқ идоралари томонидан 50 мингдан зиёд текширув ўтказилиб, 37 мингга яқин ғайриқонуний ҳаракатлар очиб ташланди. Айбдорлардан давлат бюджетига ундирилган маблағ миқдори қарийб 52 миллиард сўм-купонни ташкил этди. Бу материалларни прокурорлар мунтазам ўрганиб борди. Натижада 410 та жиноий иш қўзғатилиб, тергов қилинди. Айбдорлар қонуний жазога тортилди. Айни пайтда шундай жиноий ишлардан 300га яқинини прокуратура ва ички ишлар органлари кўриб чиқди ва судга оширди, жиноятчилар устидан айблов ҳукмлари чиқарилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Жойлардаги прокурорларга қўйилаётган талаб ва уларнинг масъулиятини оширишда қатъий йўл тутишга тўғри келмоқда. Чунки булар орасида ўз вазифасига масъулиятсизларча муносабатда бўлаётган ходимлар ҳам учраб турибди. Ана шулардан 30 га яқини прокуратура раҳбарияти томонидан жазога тортилди. Республика Давлат солиқ қўмитаси раҳбарияти ҳам ўз ваколатларини тўғри бажармаган ходимлардан 14 нафарини ишдан четлаштиришга, 22 нафарига эса қаттиқ жазо қўллашга мажбур бўлди. Прокурорларнинг мунтазам назорати ғайриқонуний йўл тутган масъул шахсларни моддий, маъмурий ва жиноий жазога тортиш имконини бермоқда.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани солиқ инспекцияси суриштирув бўлимининг бошлиғи И.Топилдиев “Ўзбексельмаш“ заводи ошхонаси мудираси Н.Шукурованинг қинғир ишларини ёпиш учун ундан 1 миллион сўм пора олганида қўлга тушди. Тинтув пайтида бу “арбоб“нинг ёнидан 1,5 миллион сўм пул, 130 АҚШ доллари чиқди. Порахўр ҳибсга олинди. Ҳозир тергов қилинмоқда.

Катта шов-шувга сабаб бўлган “Ўзбеккабель“ корхонасидаги ғайриқонуний ишларда ҳам солиқ инспекцияси ходимининг қўли борлиги маълум бўлди. Бу нопок кимса солиқ қоидалари қўпол бузилаётган ҳолларга дуч келиб, уларни ёпиб юбориш мақсадида пора олган экан. Ҳозир бу “арбоб“ ҳам тергов қилиняпти.

Фақат ўтган ярим йил мобайнида ана шундай солиқчилардан етти нафари, божхона хизмати ходимларидан олтитаси жиноят устида ушланди.

Бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилидан бири — аҳолининг эхтиёжманд қисмини, айниқса, ногиронлар, нафақахўрлар, кўп болали оилалар манфаатини ҳимоя қилишдир. Лекин баъзи жойларда бу хайрли ишни амалга оширишга тўсиқ қўйилмоқда. Корхона ва хўжалик раҳбарларининг лоқайдлиги, молия ва солиқ идораларидаги масъулиятсизлик оқибатида нафақа жамғармаси ҳисобига маблағлар тушуми назоратсиз қолдирилгани сабабли уларнинг манфаатига путур етаётир. Бунинг оқибатида баъзан нафақаларни вақтида тўламаслик ҳоллари рўй бераётир. Натижада прокуратура айбдор шахсларга қатъий чора кўришга, зарарни давлат бюджети ўз зиммасига олишга, тўловларни қарз ҳисобидан амалга оширишга мажбур бўлмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим нопок шахслар даромадларни яширгани, ғайриқонуний иш юритаётгани фош бўлишини англаб, “қўрққан олдин мушт кўтарар“ қабилида иш тутмоқда.

Андижон шаҳридаги “Жасур“ тижорат дўкони сотувчиси Ж.Холмирзаев текширув учун келган солиқ инспектори А.Меҳмоновнинг қонуний талабларига ҳақорат ва жисмоний куч ишлатиш билан “жавоб“ берган. Бу “жасур“ йигит жиноий жавобгарликка тортилиб, бир ярим йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шаҳрихон шаҳридаги пичоқчилик дўкони эгаси Д.Солиев текшириш учун келган солиқ хизмати ходимларини қўлига қизиб турган темирни олиб, уларга ташланиш билан “кутиб“ олган. У қилмиши учун 3 йилга қамалди. Ана шундай 14 ҳолат қайд этилиб, айбдорлар қонуний жазосини олди.

Прокурорлик текширувлари шундан далолат бермоқдаки, солиқ инспекцияси фаолиятида айрим ҳолларда қонунбузарларга нисбатан ён босиш, асосий айбдорлар қолиб, “навбатчи“ларни жазога тортиш ҳолларига ҳам йўл қўйилмоқда. Масалан, Тошкент шаҳар, Бектемир туманининг 48 та корхонасида солиқ қоидалари бузилиши аниқлангани ҳолда, деярли барчасида биттадан раҳбар номигагина маъмурий жазога тортилган. Қолган айбдорлар “авф“ этилган, бу ердаги “Дитас“ корхонасида 3 миллион сўмга яқин даромад солиқдан яширилгани учун фақат бош ҳисобчи жавобгар деб топилган. Асосий айбдор-директорга “озор“ етмаган. Бундай фактлар бошқа вилоят, туман ва шаҳар солиқ инспекциялари фаолиятида ҳам учрамоқда.

Айрим ҳолларда эса, аксинча, солиқ инспекцияси ходимлари қонун билан белгиланган муҳлат тугагандан сўнг ҳам айрим шахсларни жавобгарликка тортишга йўл қўйганлар. Фақат Тошкент шаҳрининг ўзида бундай фактлардан 50 га яқини рўй берган. Масалан, Миробод тумани солиқ инспекцияси бошлиғи “Арина“ корхонаси раҳбари И.Рибаковни ва “Филателист“ корхонаси бошлиғи И.Тўлагановни 1992 йилда содир этган қилмиши учун маъмурий жазога тортган. Ҳар қандай ҳолда ҳам қонунни четлаб ўтиш мумкин эмас. Қонунда чора кўриш муҳлати, вақти аниқ белгиланган.

Солиқ инспекциялари ходим танлашда баъзан пала-партиш иш тутгани ҳам кўзга ташланмоқда. Масалан, Юнусобод туманида 20 нафар солиқ инспекцияси ходимининг муқаддам судлангани маълум бўлди. Шулардан 2 нафари эса илгари оғир жиноят қилгани учун қамалган. Шунга ўхшаш аҳвол деярли барча ҳудудларда мавжудлиги ачинарли ҳолдир, албатта. Бу келгусида сабоқ бўлиши лозим. Солиқ инспекциялари фаолиятида қонунбузарлардан ундирилиши лозим бўлган жаримани корхона ва хўжалик ҳисобидан чегириб қолиш фактлари ҳам йўқ эмас. Фақат Собир Раҳимов туманининг ўзидагина 37 та айбдор хўжалик ҳисобидан пул ўтказиш йўли билан амалдаги қилмиши учун жазодан қутилиб қолган. Бундай ҳолларга чек қўйиш керак.

Прокуратурадаги материалларга қараганда, кўпчилик ҳолларда солиқ инспекциялари ўз қарорлари ижросини пайсалга солишга йўл қўйган. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида 11 та корхона ва ташкилотда солиқ қоидалари бузилиши оқибатида ундирилиши лозим бўлган 12 миллион сўмга яқин тўлов 1993 йилдан буён ижросиз қолиб кетган. Прокурор бу хусусда солиқ инспекцияси масъул ходимларини расмий огоҳлантиришга мажбур бўлди. Шу вилоятнинг Қизириқ туманида эса корхоналарнинг солиқдан яшириб қолган катта миқдордаги даромади учун чора кўриш пайсалга солиб келинган. Бу ерда ўз вазифасини суиистеъмол қилиб, бозордаги тижоратчилардан устама ҳақ йиғиб юрган паттачи Э.Маҳмудовнинг жинояти учун ғайриқонуний равишда маъмурий чора кўрилган. Прокурор бу факт юзасидан жиноий иш қўзғатди ва тергов бошланди.

Солиқ идоралари ходимларининг айрим қонунбузарларга нисбатан “меҳрибон“чилик қилиш ҳоллари мавжудлигини ҳам прокуратура фош этди. Масалан, Бойсун ва Термиз туманларида ана шундай ишлар рўй берган. Термиз туманида 1993 йил мобайнида 18 та ишдан 16 тасида, шу йилнинг биринчи ярмида эса Термизда 10 та ишдан 5 тасида айбдорларга қонунда кўрсатилганидан анча кам миқдорда жарима солинган. 30 дан ортиқ ҳолда эса айбдорларга чора кўриш “унутилган“.

Солиқ тўғрисидаги қонунларга сўзсиз амал қилиш зарурлигини баъзи давлат корхоналари ва муассасалари шунингдек, якка тартибда меҳнат билан шуғулланувчилар яхши англаб етмаяптилар. Улар даромадларнинг ҳисобга олиш тартибини бузиш ва бошқа найранглар ёрдамида фойдани яшириш билан солиқ тўлашдан қочмоқда. Бундан давлат ҳам, бозор ҳам, халқ ҳам жиддий зарар кўришини сира ўйламаётирлар.

Сирдарё вилоятининг Ш.Рашидов туманидаги “Пахтаобод“ пахта тозалаш заводи директори О.Маҳамбетов ва бош ҳисобчи Х.Каримов 44 миллион сўм даромадни солиқдан яширгани учун уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Шу ердаги “Узконструкция“ трестининг тармоқ раҳбари Г.Ли ва бош ҳисобчи Г.Латиповлар катта миқдордаги даромадни яширгани учун сўроқ қилиняпти.

Шаҳрихондаги “Сайхон“ кичик корхонаси 3 йил мобайнида солиқ ва статистика идораларига ўз даромадлари ҳақида умуман ҳисобот бермаган. Бу фактни аниқлаган солиқ инспекцияси ходими Ш.Рўзиматов эса чора кўриш муҳлатини ўтказиб юборган.

Бундай нуқсонлар Пахтаобод, Марҳамат, Жалолқудуқ ва бошқа туманлардаги солиқ хизмати ходимлари фаолиятида ҳам мавжудлиги қайд этилди. Айбдорларга қаттиқ чора кўрилди. Мунтазам равишда даромадни солиқдан яширгани учун Хонобод шаҳридаги “Эркин“ кичик корхонаси бошлиғи Ж.Камолиддиновга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Асака шаҳрида М.Ёқубов деган шахс пинҳоний тижорат билан машғул бўлгани учун қўлга олинди. Ҳозир унинг иши тергов қилинаётир.

Хоразм, Наманган, Жиззах ва бошқа ҳудудий прокуратура органлари ҳам истеъмол бозорида тартибсизликларнинг олдини олиш, солиқ ҳақидаги қонун ва белгиланган қоидалар бузилишига чек қўйиш, миллий пулимиз қадрини ошириш, ижтимоий адолат тамойиллари таъминланиши борасида қатъийлик билан иш юритмоқдалар. Бу борада Қашқадарё вилояти прокуратурасининг фаолияти эътиборга моликдир.

Вилоят прокурорлари солиқ инспекцияси ходимлари ва бошқа масъул идораларнинг кўплаб қонунбузарларга ён босиш ҳолларига дуч келди. Хўжалик юритувчи — ишбилармонлардан юзлаб шахслар солиқ қоидаларини бузгани учун жазога тортилган бўлиб, улар жаримани ўз ҳамёнидан эмас, балки хўжалик ҳисобидан тўлаб қўяқолган ва нопок ишларини яна давом эттираверган. Масалан, “Қарши“ давлат хўжалиги ҳамда “Бешкент“ пахта тозалаш заводи бош ҳисобчилари М.Чўлиев ва Р.Темиров бир неча бор даромадни солиқдан яширган пайтларида ушланганлар. Лекин улар хўжалик ҳисобидан жарима тўлаш билан қонуний жазодан қутилиб қолаверган. Прокуратура солиқ идораларининг “юмшоқ“ қарорларини бекор қилиб, қонунбузарлар устидан жиноий иш қўзғади.

Шаҳрисабз шаҳар, Косон, Деҳқонобод, Нишон, Ғузор каби туманларнинг ҳокимлари эса бир қанча хўжалик ва ташкилотларга “раҳмдил“лик қилиб, ғайриқонуний равишда уларни даромад солиғи тўлашдан озод қилган. Прокуратура аралашуви билан бундай ҳаракатларнинг олди олинди.

Фарғона вилояти солиқ идоралари фаолиятида ҳам жиддий нуқсонлар аниқланди. Кўпчилик туман ва шаҳарларда солинган жарималарни айбдордан эмас, балки хўжалик ҳисобидан ундириш авж олган. Прокуратура бундай ўз бошимчаларга нисбатан кескин чоралар кўрди. Ҳаддан ошаётганларга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов бошлаб юборилди.

Прокурорлик текширувлари айни вақтда автокорхоналарга, йўловчи ташиш хизмати билан боғлиқ ташкилотларга қаратилмоқда. Аҳолидан тушган хизмат ҳақи даромаддан яширилиб, айрим нопок кимсалар чўнтагига тушаётганининг фош этилиши фикримизнинг яққол далилидир. Қува туманидаги 66-автокорхона ходимлари Д.Умурзоқов ва Қ.Сиддиқовлар чипта сотишдан тушган миллионлаб сўм даромадни жиғилдонларига уриб юборишган. Ҳозир эса улар, бундай нопокликларга ҳайбаракаллачи бўлганлар қонун олдида жавоб беряпти.

Ўтказилаётган текширувлар кўплаб қонунбузарларни фош қилмоқда. Сирдарё вилоятининг Ховос туманидаги дўкондор У.Жалилов 23 минг, Э.Норқўзиев 35 минг, буфет мудираси М.Соатова 94 минг сўм-купон миқдорида одамлар ҳаққидан уриб қолганда тумшуғидан илинди. Шунингдек, бу ердаги юздан ортиқ шахс қонунни бузгани учун ушланиб, маъмурий жавобгарликка тортилди.

Гулистон шаҳар бозорида паттачилардан М.Йўлдошев 121 минг сўм, М.Бўтаев 6 минг сўмга яқин, М.Комилов 1 минг сўм, И.Назаровнинг 5 минг сўмга яқин камомад келтириш, яъни чипта тўловидан ўз фойдасига чегириб қолиш фактлари очилди. Бундай ҳолларга барҳам бериш учун чоралар кўрилди.

Прокуратура ходимлари кўча-кўйида, турли тижорат дўконларида келиб чиқиши номаълум бўлган ичимлик-маъданли сувлар сотилаётганини фош этди. Табиийки, бу маҳсулотлар фақат тегишли корхоналарнинг омборидан чиқиши керак. Масалан, “Тошмаъдансув“ корхонаси омбор мудири М.Қўчқоров ҳисобидан 100 минг сўмга яқин камомад чиқди. Қизиғи шундаки, корхона маъмурияти бу фактни била туриб, ундан кўз юмиб келган, тергов органига хабар бермаган. Бунинг сабабларини эса тергов аниқлайди. Бу корхонадан шартнома бўйича давлат савдо шохобчаларига жўнатилиши лозим бўлган миллионлаб шиша маъданли сув “чет“га, хусусий тижорат дўконларига берилиб келингани маълум бўлди. Ёки қарийб 100 миллион сўмлик 400 минг шиша сув сохта ҳужжат асосида қинғир йўллар билан Россиянинг Нижний-Тагил шаҳрига жўнатилишини корхона масъул раҳбарлари тушунтириб беролмай тергов олдида бош қашлаб ўтирганини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Улар ишлаб чиқариш цехларидан иккитасини арзонгаровга ўз укалари номига расмийлаштириб, чўнтакни қаппайтиришга тушгани, маъданли сувга мўлжалланган шишаларга “чап“ спиртли ичимликларни қуйиб бериш, 100 минглаб шишаларни сохта ҳужжат билан “синди“га чиқариш каби бебошликлари учун қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Адолатли қонун бундайларга бешафқат бўлади. Халқ насибасига хиёнат эса ҳеч қачон кечирилмайди.

**Сирожиддин МИРСАФОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари.**

**Файзулла ҚИЛИЧЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг бўлим бошлиғи**

**(ЎзА).**

*• Мухбиримиз муаммо қўяди*

# УСТАМАСИ 45 ФОИЗУ, САМАРАСИ...

**Самарқанд вилоятида газета сотилишию тарқатилиши қай аҳволда?**

**Тан олиш керак, кейинги пайтларда "Матбуот тарқатиш уюшмаси"га қарашли дўконларда сотиладиган газета-журналлар сони камайди. Бунинг устига матбуот нашрлари обуначиларга кечикиб етиб бораётганлиги ҳақида бот-бот шикоятлар тушмоқда.**

**Буларнинг сабаби нимада? Ана шу саволга жавоб қидириб Самарқанд вилоят матбуот тарқатиш уюшмаси ҳамда почта алоқаси бошқармаларида бўлдим.**

Ҳозир вилоятда газета-журнал сотиладиган 120 та дўкон бор. Лекин улар орқали тарқатиладиган нашрларни ҳисобласангиз, ҳар бирига республика ва вилоят матбуот нашрлари ўртача 3—4 донадан тўғри келади. Ёки одамларнинг асосий қисми энди обуна бўлишни афзал билишаяптими? Тўғри бу ерда газеталарга обуна учун тўланадиган ҳақ ҳам анча ошиб кетганлигини эътибордан қочирмаслик керак.

Аммо ўз номи билан "Матбуот тарқатиш уюшмаси" деб аталган ташкилотнинг жойлардаги раҳбарлари ва вакиллари бу корхона аслида нима мақсадда тузилганини ҳам ёддан чиқаришганга ўхшайди. Тўғри-да, асосий даромадни матбуот тарқатишдан эмас, балки чет элда тайёрланган сақичлару сигареталарни, Голливуд киноюлдузларининг ярмяланғоч суратларини сотишдан олгандан кейин уларга газеталарни кўпроқ тарғиб қилиш ҳақида жон куйдиришга не ҳожат!

Шу ерда бир масала хусусида тўхталиш жоиз. Бундан икки-уч йил муқаддам почта алоқаси бошқармаси ва матбуот тарқатиш уюшмаси бирлаштирилган эди. Яъни обуна қилиш ва дўконларда сотишга энди битта ташкилот мутасадди бўлиб қолганди. Шу йил июндан бошлаб улар негадир, яна ажратилди. "Ўзбекистон почтаси" концерни ва "Матбуот тарқатиш уюшмаси" ассоциацияларига бўлиндилар. Бунинг қанчалик самара беришини келажак кўрсатади.

Концерн ва ассоциация ўртасида тузилган шартномага кўра "Матбуот тарқатиш уюшмаси" газета ва журналлар нусха сонининг 1993 йилга нисбатан камайишига йўл қўймайди. Ўз фаолиятининг охиригача улар нусхасининг мунтазам ошиб бориши учун барча чораларни кўради, деган мажбуриятни олади. Лекин дўконларда сотилаётган газеталар сонининг қисқариб бораётганига қараб уларнинг бу мажбуриятни бажаришларига шубҳаланиб қолади киши.

Самарқандда Боғишамол деган мавзе бор. Унинг атрофида бир нечта вилоят ташкилотлари, қишлоқ хўжалик институти жойлашган. Ана шу институт ёнидаги матбуот уюшмасига қарашли дўконда бирор дона ҳам "Халқ сўзи" газетаси сотилмас экан. Сотувчи Абдуғани Қодировдан бунинг сабабини сўраганимда "Матбуот уюшмаси ажратмайди" деган жавобни эшитдим. Лекин "Матбуот уюшмаси"дагилар "Ҳар бир газета ва журнал учун сотувчининг ўзи буюртма бериши лозим", дейишди. Ишнинг бу тартибда йўлга қўйилиши тўғридир. Аммо ташкилотнинг асосий вазифаси матбуот нашрларини сотиш бўлгандан кейин наҳотки ҳар қайси дўконга бештаолтита газетани беролмайди? Бундан ташқари айнан шу ерда шаҳардаги энг катта олий ўқув юртларидан бири жойлашган.

Умуман, вилоят "Матбуот тарқатиш уюшмаси" бошлиғи Ҳ. Ҳазратқулов, унинг ўринбосари З. Циммерман билан суҳбат чоғида шунга амин бўлдимки, бу ердагилар ўзларининг асосий вазифаси деб дўкон сотувчилари буюртмасини бажаришни тушунишади. Матбуот нашрларини тарғиб қилиш, уларни кўпроқ тарқатиш хусусида эса жон куйдириб ўтиришмайди. Лекин... Тошкентдан самолёт ёки поездда уларга олиб келиб бериладиган ҳар бир дона газета ёки журнал нархига 40—45 фоиз устама қўйишни унутишмайди. Шуни айтиш керакки, бу уюшма почта алоқаси бошқармаси таркибида бўлган чоғларда устама миқдори анча паст эди.

Мен уюшма раҳбарларидан, Самарқанд шаҳрида сотилаётган газета-журналлар учун 45 фоиз устама қўйиш инсофсизлик бўлмайдими, деб сўрадим. Масалан, Қўшработ ёки Нарпай туманларига машинада етказилса — унда тушунарли. Йўл харажати ҳам маҳсулот устига тушади. Лекин нега сотилган газеталар нархи бунчалик ошиб кетиши керак?

— Ҳали ташкилотимиз янги, сарф-харажат эса кўп, уларни қоплаш лозим,— деган жавобни эшитдим...

Ҳар куни Самарқанд вилоятига республика пойтахтидан эллик саккиз тахлам матбуот нашрлари келади. Уларнинг асосий қисми самолёт билан эрталаб соат 8 дан 40 минут ўтганда етказилади. Бироқ обуначилар газеталарни шу куни ололадими? Афсуски аксарият ҳолларда ижобий жавоб бериш қийин. Лекин бунда фақат почта ходимларини айбдор, деб бўлмайди. Вилоят почта алоқаси бошқармаси бошлиғи Аминжон Ғаффоров билан суҳбатлашар эканман, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

— Ўтган йили бошқармамиз обуначиларга бир миллиондан зиёд нусхада газета ва журналларни тарқатган эди,— дейди А. Ғаффоров.— Бу йил эса бу рақам 364800 тани ташкил қилаяпти. Демак иш ҳажми анча қисқарган. Унда келаётган даромад ҳам шунга яраша. Вилоятда ўн саккизта алоқа тугуни ва 433 та бўлимлари мавжуд. Уларда ўз касбларининг фидойилари бўлган юзлаб кишилар меҳнат қилишади. Лекин ҳар соҳадаги каби бизда ҳам айрим масъулиятсиз, лоқайд кишилар учрайди. Хизмат юзасидан эшитаётган танбеҳларимизнинг бир қисми шулар туфайли. Уларга нисбатан қатъий чоралар кўраяпмиз. Келинг, яхшиси масаланинг моҳиятига чуқурроқ етиш учун уни ҳар томонлама кўриб чиқайлик.

Шундай дея у олдимга танишиш учун бир даста хат ва телеграммаларни қўйди. Улар, асосан, вилоятдаги шаҳар ва туман алоқа тугунлари бошлиқлари томонидан вилоят почта бошқармасига йўлланган эди. Мана улардан айримлари: "2514-автобаза мунтазам равишда шартномани бузиб, почта жўнатмаларини олиб келиш учун автомашина ажратмаяпти. 12, 14 февраль кунлари машина берилмаганлиги туфайли барча турдаги почта жўнатмалари жойларга етказилмади. Ана шундай сабабга кўра қариндошларининг ўлими ҳақида юборилган ўнта телеграмма ҳам вақтида элтиб берилмади. Шикоятлар сони ошиб бормоқда". Ургут алоқа тугуни бошлиғи Номозов.

Худди шу мазмундаги билдириш Ургутдан 17, 18 февраль кунлари ҳам юборилган.

Ёки Жума алоқа бўлими бошлиғи Х. Назаровнинг мана бу телеграммасига диққат қилинг: "100-автобаза машина ажратмагани сабабли 1, 2, 5, 7, 9, 14, 15, 17, 21, 22 ва 28 февраль кунлари Самарқанддан почта жўнатмалари олиб келинмади. Натижада газеталарни ўз вақтида обуначиларга етказиш имкони бўлмади".

Шуни эътиборга олиш лозимки, Жума Самарқандга энг яқин туман марказларидан ҳисобланади. Бу масалада юборилган телеграммалар орасида Қўшработ, Булунғур, Челак ва бошқа туманлардан келганлари ҳам учрайди.

Мен бу ерда фақат бир ойга тегишли телеграммалардан парча келтирдим. Ҳолбуки уларни ҳар ойнинг ҳисоботида кўриш мумкин.

Баъзида эса газеталарнинг ўз эгаларига кечикиб етиб бориши умуман вилоятга боғлиқ бўлмайди. Масалан, 17 февралда чиққан "Халқ сўзи", "Правда Востока" газеталари Самарқандга 18 февралда, 19 куни чоп этилган "Правда Востока", "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози" эса 21 февралда келтирилган. Бундай мисоллар ҳам ҳар ойда учрайди. Натижада 2—3 кундан кейин газеталарнинг обуначиларга етказилиши уларни ранжитса, "Матбуот тарқатиш уюшмаси" дўконларига чиқарилганлари сотилмай қолмоқда. Сўнгра истайсизми йўқми, улар далолатнома тузилиб макулатурага топширилмоқда.

Хуллас, бу борада ҳам бирбирига боғлиқ масалалар, ечимини кутаётган муаммолар анчагина тўпланиб қолган. Яна саноқли кунлардан сўнг обуна мавсуми бошланади. Унинг кўп юмушлари почта ходимлари зиммасига тушади. Лекин юқорида келтирилган мисоллардагидек камчиликлар давом этаверса, унинг натижаси ҳақида фикр билдириш қийин. Камчиликларнинг асосий қисми эса бевосита алоқа хизмати ходимларига эмас, балки траспортчиларга боғлиқ бўлиб қолаяпти.

**Музаффар МУҚИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ҲАМИША БИР САФДА

Янгийўл шаҳрида Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг қурултойи бўлди. Унда жамият марказий бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Б.Тоҳиров ҳамда тафтиш комиссиясининг ҳисоботи муҳокама этилди.

Ҳисобот даврида жамиятнинг марказий ва вилоят бошқарувлари ҳамда бошланғич ташкилотлари фаолияти ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилгани қайд этилди. Саноат корхоналарида қўли гул кишилар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бу ишни амалга оширишга кўмаклашмоқда. Хусусан, аҳолига сотилган маҳсулотлар ҳисобидан 3 миллион сўмдан зиёд фойда кўрилди. Жамият аъзоларининг дам олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун шароит яратилди. Ғиждувон, Жиззах, Зангиота туманлари ва Тошкент шаҳрида улар учун янги уйлар қурилди.

Бухорода жамият аъзоларининг фарзандларига атаб бунёд этилган 140 ўринли боғча фойдаланишга топширилди.

Жамиятга қарашли саноат корхоналарида ўтган йили 40-45 турда янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Қува корхонасида сочиқ, чойшаб, қоп тикиш йўлга қўйилди. Сирдарё комбинатида гилам ва поёндоз тўқийдиган корхона маҳсулот бермоқда.

Шунингдек, қурултой иштирокчилари жамият ҳаётидаги камчиликлар, корхоналарда асосий фондларнинг 30 фоизи ишга яроқсиз бўлиб қолгани, хомашё нархининг кескин қимматлашуви айланма маблағларнинг етишмаслигига сабаб бўлаётгани, мавжуд нуқсонларга барҳам бериш юзасидан зарур чоратадбирлар кўриш лозимлиги ҳақида гапирди.

Қурултойда жамиятнинг янги таҳрирдаги низоми қабул қилинди. Марказий бошқарувнинг янги таркиби сайланди.

**(ЎзА).**

*• 1994 йил — Оила йили*



Қўша қариганлар.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### ЯДРО ЧИҚИТЛАРИ ЭВАЗИГА ДАРОМАД

***Тинч уммонининг марказий қисмидаги Маршалл оролларида жойлашган митти Амата Кабуа Республикаси президенти мамлакат ҳудудини радиоактив қолдиқлар кўмиладиган жойга айлантиришга рози эканини маълум қилди.***

*Унинг таъкидлашича, айни пайтда дунёнинг 28 мамлакатида 426 атом электростанцияси ишлаб турибди. Улар кўплаб радиоактив қолдиқлар чиқармоқдаки, саноатчилар бу зарарли чиқитларни қаерга кўмишни билмаяптилар.*

*Маршалл оролларида АҚШнинг йирик ракета синов майдони жойлашган. Илгари бу оролларда ядро қуроли синовдан ўтказилар эди. Маҳаллий ҳокимият бунинг учун АҚШдан йирик товон пули олишга муваффақ бўлди. Мамлакат ҳукумати ядровий чиқитларни қабул қилиш эвазига яна мўмай даромад олиш илинжида.*

### ПОЛИЦИЯ ТАВСИЯСИ УЙДА ҚУРОЛ САҚЛАШГА КАФОЛАТ

***Нью-Мексика штатининг Катрон мавзеси аҳли ўз уйида албатта ўқ отиш қуроллари сақлаши лозим.***

*Мавзенинг махсус комиссияси ана шундай қарор чиқарди. Бу ерда жиноятчилик кўпайган бўлса керак, деб ўйлаётгандирсиз? Йўқ, гап бошқа ёқда. Шу йил феврал ойида АҚШда Брейди қонуни кучга кирди. Унда қурол сотиб олиш учун ариза берган киши 5 кун сабр қилиши лозимлиги таъкидланган. Бу вақт ичида полиция талабгорнинг шахсини ўрганиб чиқади ва унга қурол бериш мумкинми ёки йўқми, шу ҳақда тавсия беради. Катрон мавзеси маҳаллий ҳокимияти ва аҳли ана шу муддатнинг белгиланишига қарши норозилик сифатида юқоридаги қарорга келди. Улар муддат белгиланишини фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари поймол этилиши деб баҳолашмоқда.*

### ГИЁҲВАНДЛИК ҲАМ КАСАЛЛИК ТАРҚАЛИШИГА САБАБ БЎЛАЯПТИ.

***Осиё тараққиёт банки вице-президенти Питер Салливан Осиё мамлакатлари мисли кўрилмаган кўламдаги СПИД эпидемияси хавфи қаршисида турганини айтди.***

*Бу хавф Осиёнинг иқтисодий юксалишини барбод этиши мумкин, деди у иқтисодчиларнинг Манилада бўлиб ўтган халқаро анжуманида.*

*Осиёда СПИД касаллиги 80-йиллар бошларида қайд этилган эди. Бироқ, 1991 йилга келиб, бир миллиондан зиёд осиёлик муқаррар ўлим келтирувчи бу дардга чалинди. Умумжаҳон саломатлик ташкилоти тахминларига қараганда, 2000 йилда ер юзида СПИД вируси ташувчилар сони 30—40 миллион нафарга етади. Уларнинг қарийб 10 миллион нафари осиёлик бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Мутахассислар касалликнинг тарқалишига асосий сабаб фоҳишабозлик ва гиёҳвандлик эканини таъкидлашмоқда.*

### ҲУКУМАТ ҚАРОРИ

***Беназир Бхутто раҳбарлигидаги Покистон ҳукумати афғон уруши пайтида мужоҳидлар тарафида жанг қилган арабистонлик фуқароларни мамлакат ҳудудидан чиқариб юборишга қарор қилди.***

*Ташқи ишлар вазири Насрулло Бабарнинг сенатда таъкидлашича, “улар ортиқ Покистонда қолишлари мумкин эмас“. АҚШ Покистонни халқаро террорчиликни қўллаб-қувватлашда айблаётгани учун ҳукумат шундай чора кўришга мажбур бўлди.*

### ПРЕЗИДЕНТ ҲАРБИЙ БАЗАНИ БОРИБ КЎРДИ

***Украина Президенти Леонид Кучма мамлакат пойтахтида АҚШ вице-президенти Алберт Гор билан ўтказилган музокаралардан сўнг Первомайскдаги стратегик ракеталар базасини бориб кўрди.***

*Ўзаро музокаралар чоғида шу йил январида Украина, АҚШ ва Россия Президентлари имзолаган ядровий қурол борасидаги уч томонлама битимнинг бажарилиши муҳокама қилинди.*

*Битимда бу ерда жойлашган СС-24 ракеталарининг 46 тасидан ва СС-19 ракеталарининг 30 тасидан жанговар каллаклар ечиб олиниши кўзда тутилган.*

### ҚУВАЙТ РОССИЯДАН ҚУРОЛ-ЯРОҒ ХАРИД ҚИЛМОҚЧИ

***Қувайт Россия билан ҳарбий қурол-яроқ сотиб олиш ҳақида шартнома имзолашни кўзламоқда.***

*Қувайт мудофаа вазири Шайх ал-Ҳамид ал-Жаббор ас-Сабоҳ бу шартнома Қувайт ва Россия мудофаа ва хавфсизлик ҳақидаги келишувига асосан амалга оширилишини айтди.*

### МУЗОКАРА БОШЛАНИШИДАН УМИДВОР

***АҚШ Шимолий Корея билан хавфсизлик масалаларидагина эмас, балки ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтарувчи савдо-сотиқ ва сиёсий масалалар борасида ҳам музокаралар олиб боришга тайёр, деди ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича АҚШ давлат котиби маслаҳатчиси Роберт Галлуччи.***

*Р. Галлуччи бошчилигидаги Америка вакиллари гуруҳи Женевада АҚШ-КХДР музокараларида қатнашди. У Шимолий ва Жанубий Корея ўртасида музокаралар бошланишига умид билдирди.*

### ДАВЛАТ КОТИБИНИНГ САФАРИ

***АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер Яқин Шарққа сафар қилади.***

*Кристофер Миср, Исроил, Иордания ва Сурияга ташриф буюриб, “бу ҳудуддаги давлат раҳбарлари билан тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш хусусида маслаҳатлашиб олади“, деди давлат департаментининг расмий вакили.*

### МУХОЛИФЛАРГА ЗАРБА БЕРИЛДИ

***Аппенина ярим оролида фақат парламент сайловлари натижасидагина янги ҳукумат сайланиши мумкин.***

*Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Сильвио Берлускони бу ҳақда журналистларга шуни маълум қилди. У ҳукуматга интилаётган мухолиф кучларнинг янги маҳкама тузиш ҳақидаги ҳаракатига шу тарзда зарба берди.*

